O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
19 SENTABR
PAYSHANBA
№ 118 (26.977)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Ўтган бир йил мобайнида Ўзбекистон билан Қўшма Штатлар ўртасидаги ҳамкорлик яна ҳам мустаҳкамланди, чунки биз дунёни терроризмдан халос қилиш йўлида бирга ишламоқдамиз. Кўрсатаётган мададингиз учун мен билан бирга Америка халқи Сизга ва Ўзбекистон халқига ўзимизнинг якдил миннатдорлигимизни изҳор этамиз.

Қўшма Штатлар ўтган йилнинг 11 сентябрида тўғридан-тўғри ҳужумга дучор бўлди, аммо терроризм бутун халқаро ҳамжамиятга хавф солмоқда ва бутун дунё аҳлининг осойишта, эминэркин ва фаровон ҳаёт кечиришга бўлган иштиёқига путур етказмоқда. Бизлар ўз мардлигимиз ва сабот-матонатимиз билан ғалабага эришамиз.

Ўзбекистон тинчликдан иборат муҳим йўлни танлаб олди. Биз ўз инсонларининг қадрига етадиган ҳамда уларга эркин истиқболни таъминлаб, комил ишонч бахш этадиган дунёни барпо этмоқ учун биргаликда ҳамкорлик қилаверамиз.

Самимий эҳтиром ила,

Жорж БУШ,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ХИВА ГИЛАМИ ДУНЁНИ МАФТУН ЭТАДИ

«ХИВА-КАРПЕТ» ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЎЗИМИЗНИНГ ХОМАШЁДАН ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРЯПТИ

«Хива гилами» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва Германиянинг «Геко» савдо уйи ва «Текспроект» фирмаси ҳамкорлигида яратилган ушбу қўшма корхона гилам ишлаб чиқариш саноатининг энг замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Германиялик ҳамкорлар қўшма корхона учун «Thubequ», «Stahle», «Temafa», «Альфа», «Zinser» тола тараш, йигириш, ўраш ва гилам тўқиш дастгоҳларини етказиб ва созлаб беришди. «Хива гилами» акциядорлик жамиятининг бир гуруҳ мутахассислари Германияда бўлиб, янги технология ишлаб чиқариш жараёнлари, компьютерлаштирилган дастгоҳлар билан ишлаш сирларини пухта эгаллаб қайтишди. Улардан эса «Хива-карпет»нинг цехларида иш бошлаган 400 нафардан зиёд йигит-қизлар ўрганишди.

Қўшма корхонада икки хил — жун ва сунъий толадан гилам тўқиб чиқарилади, маҳсулотнинг зичлик даражаси ҳам бир неча турда бўлади.

— Гилам тўқиш цехида атиги 8 та «Альфа-300» дастгоҳи бор, — дейди бош муҳандис Бахтиёр Олламов. — Ана шу цехда йилига 2 миллион 330 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу ишни ҳар сменада ўн олти нафар гилам тўқувчи ва калаваларни тўлдирувчи қизлар бажаришади, холос. Ваҳоланки эски иш услубида шунча маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 90 та дастгоҳда 180 ишчи банд бўларди. Иш унумдорлиги ўн баробар ошиб, иш ҳақи ҳам шунга яраша ортди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, оддий ишчининг ойлик ҳақи дастгоҳлабки пайтларда ўртача 50 минг, корхона тўла қувват билан ишга тушгач, 80-100 минг сўм атрофида бўлиши кутиляпти.

Яқин кунларда иш тўрт сменада ташкил этилгач, қўшма корхона яна 400-500 нафар ёшни ишга қабул қилади. Хазораспдаги ип йигирув фабрикасида ҳам «Текспроект» билан ҳамкорликда гилам тўқишда ишлатиладиган пахта ипи ишлаб чиқарадиган янги қўшма корхонада созлаш ишлари якунланяпти.

Дизайнерларнинг артуслубда янги ишлар яратаётгани бежизмас. Чунки, бундай тасвирлар туширилган гиламлар Европа бозорларида харидоргир. «Хива-карпет»да европалик харидорнинг диди билан ҳам ҳисоблашишади. Германиялик ҳамкорлар ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 60 фоизини Европа давлатларига сотиш масъулиятини олишган.

Хуллас, «Хива-карпет»да ишлаб чиқарилган, ўзимизнинг хомашёдан тайёрланган ўзбек гилами четдан валютага келтирилаётган шундай товар ўрнини босиб, ўзбекистонликларнинг хонадонини безаб, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: қўшма корхонанинг замонавий дастгоҳлари билан жиҳозланган момиқ цехидан кўриниш; тўқув цехининг моҳир ишчилари — Гулчеҳра Матёқубова ва Умид Бекчонов; Хиванинг машҳур янги гиламлари кўргазма зали.

■ **Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар**

ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИ ПАХТАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Барчангизни қўлга киритилган улкан ғалаба — мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу муваффақият лафзи ҳалол, танти ва заҳматкаш деҳқонларнинг, бутун туман аҳлининг фидокорона меҳнати, қишлоқда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самараси сифатида ҳаммамизни қувонтиради. Сиз азизлар ютуқларингизни «Андижон тажрибаси» деб ном олган, аввало илғор агротехника услубларини, меҳнатда фидойилик билан ишни ташкил қилишни ўзига қамраб олган тажрибанинг яққол намойиши деб қабул қиламан.

Сизларнинг 20 минг 627 тонналик хирмон бунёд этиб, ҳар гектар ердан 31 центнердан ошириб ҳосил олганингиз туманда қишлоқ хўжалигига илғор техника ва технологиялар дадил жорий этилаётгани, одамларда ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси ортиб бораётганини яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, катта меҳнат эвазига етиштирилган пахта ҳосилини тез ва уюшқоқлик билан йиғиб-териб олиш борасидаги тажрибаларингиз таҳсинга сазовордир.

Бугун сиз, олтинкўллик азамат пахтакорларнинг янада юксак марраларни кўзлаган ҳолда, режага қўшимча равишда 12 минг тонна қимматли хомашё топшириш ва ялпи ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга азму қарор қилганингиз Ватанимиз пахтачилиги тарихида янги саҳифа очаётган андижонликларга хос ташаббускорлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатларининг амалий ифодасидир.

Сизларни эришган меҳнат зафарингиз билан яна бир бор кутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга ривож, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Заҳматкаш қўлларингиз асло дард кўрмасин, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КОНСТИТУЦИЯ БОҒИ БАРПО ЭТИЛДИ

Конституция — ҳаётимизнинг Бош қомуси. Унда илк бор мустақил мамлакатимиз фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва бурчлари теран баён этилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш борасидаги Фармойишига биноан жойларда Бош Қонунимиз ҳар бир бандининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ўрганишга жиддий эътибор берилаётир, турли тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ўтказилаётир.

Тошкент Давлат техника университети биносига кираверишидаги сўлим хиёбонда Конституция боғи барпо этилди.

Боғда Бош қомусимиз моддалари ўзбек, рус ва инглиз тилларида безаклар билан уйғун ҳолда стендларда ўз аксини топган.

■ **(ЎзА)**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

НОМИ ЯНГИ, ИШЛАРИ ЭСКИ

ЁКИ КОММУНАЛ ХИЗМАТИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР, СУИИСТЕЪМОЛЧИЛИКЛАР ҲАМДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ЯШОВЧИЛАР НЕГА КОММУНАЛ ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАМАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Аввало, одамлар «оғзидаги» гап...лардан шингил бир лавҳа:

— Эшитдингизми, яна «квартплата», «иссиқ сув, совуқ сув» ошганмиш, кеча «ЖЭК»дан (халқ орасида «Уй-жой мулкдорлари» ширкатлари ҳануз ана шундай ном билан аталмоқда) одамлар келишиб, пулини тўламасаларинг сувни ўчириб кетамиз, дейишди.

— Вой-й, бизникига ҳам келишган экан, болаларга уй эшигини очманглар, дедим. Яна қайси «кароматлари» учун пул тўлашимиз керак экан уларга...

Бозорда, автобусда, тўй-маросимларда ҳам шу гап, шу савол? Ҳа, коммунал хизмат ҳақида баҳсли, мунозарали, норози кайфиятдаги гапларни кўп эшитамиз. Гапирамиз, эшитамизу яна индамай кетаверамиз. Назаримизда, бу муаммолар шу пайтгача ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлаверади.

Хўш, нега кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли соҳа тармоқлари фаолиятига эътироз билдирмоқдалар? Нега улар тизимдаги ширкатлар ишидан кўпинча нолишаяпти?

* * *

Таҳририятимизга келаётган хатларда ҳам «Уй-жой мулкдорлари» ширкатлари фаолиятидан шикоятлар учраб турибди.. Ўйлаб қоласан киши: бир пайтлар «ЖЭК»дан дод деган аҳоли бугун нега ширкатлар ишидан ҳам норози бўлаяпти?

Биз саволимиз жавобини, аввало, мамлакатимизнинг Бош кенти — Тошкент шаҳридан, кейин вилоятлардан излашга жазм қилдик.

Одатда коммунал хизмат кўрсатиш тизимида буюртмачи ва ижрочи ўртасида шартномалар тузилади. Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг бир пайтлар, аниқроғи, 2000 йил 3 мартдаги 42-П-сонли буйруғига биноан, собиқ «ЖЭК»лар учун таъсис қилинган бундай шартнома «Уй-жой мулкдорлари» ширкатлари учун ҳам ҳануз (эски андозада!) амалда бўлиб келаяпти. Демоқчимизки, ЖЭКлар ширкатга айланиб, ном ўзгаргани билан иш услуби асосан эскича: ўша шартнома, ўша «хизмат»... Боз устига мазкур шартнома шартлари, айниқса, ижрочи томонидан кўп ҳолларда бажарилмаяпти ва ҳатто бузиляпти.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ИСРОФГАР — БАРАКА ДУШМАНИ»

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг 2002 йил 3 август сонида «Исрофгар — барака душмани» мақоласи чоп этилган эди. Унда қайд этилишича, «Ўзнефтмаҳсулот» АК томонидан асоссиз ҳисобдан чиқарилган 372 тонна нефть маҳсулотлари 2001 йил натижалари бўйича «Ўздавнефтгазинспекция» томонидан компания тасарруфидаги айрим корхоналарда аниқланган камомадлар, носоз техникадан фойдаланиш ва номувофиқ мақсадларда ишлатилиш каби камчиликлар оқибатида юзага келган. 2001 йил давомида компания корхоналарида йўл қўйилган камчиликлар компания Дирекцияси йиғилишларида муҳокама қилинган ва бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилган. 2001 йил якуни бўйича йўл қўйилган камчиликлари учун айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилиб, 94 нафар ишчи ва ходим эгаллаб турган лавозимидан бўшатилган, 607 нафар ходим интизомий жазо олган ва 29 ҳолатда ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига топширилган.

■ **«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси Бош директори А. АҲМЕДОВ**

ПАХТА — 2002

ОЛТИНКЎЛНИНГ «ОҚ ОЛТИН» КАРВОНИ МАРРАГА ЕТДИ

Андижоннинг Олтинкўл тумани пахтакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб маррага етдилар. Давлатга 20627 тоннадан зиёд пахта топширилиб, шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. Ҳар гектар пахтазор ҳисобига ҳосилдорлик 31,4 центнерданга тўғри келди. Тайёрланган ҳосилнинг деярли ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди.

Олтинкўлликлар эришган муваффақият пахтачиликдаги илғор тажриба мактаби — «Андижон усули»ни қўллаш билан боғлиқ. Пахта йиғим-терими ғоят уюшқоқлик билан ташкил этилгани учун туман уч ҳафтада режани уддалади. «Намуна» ширкат хўжалиги пахтакорлари Фарғона водийсида биринчи бўлиб зафарга эришдилар. С.Ашуров номли, Ф.Кўчқоров номли, «Оқтепа», «Андижон», «Иттифоқ», Ш.Рашидов, М.Ризаев номли, «Машъал» ширкат хўжаликлари «оқ олтин» мавсумининг пешқадамлари бўлдилар.

Режа бажарилган бўлса-да, Олтинкўлда пахта йиғим-терими жадал давом этаётир.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: Олтинкўл туманидаги С.Ашуров номли ширкат хўжалиги илғор теримчиси Саодатхон Ҳакимова ҳар куни 140-150 кг. дан пахта термоқда

ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН

(Сурат Ўзбекистон Республикаси кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архивидан олинди)

Пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида жойлашган Ҳукумат уйи — Вазирлар Маҳкамаси биноси ўтган асримизнинг 60-йиллари охирида қад ростлаган эди. Ўтган давр мобайнида бу бино кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлди, кўп синовларни бошидан кечирди.

Мустақиллик йилларида бино қайта таъмирланиб, илгариги кўринишидан минг чандон гўзал ва салобатли қиёфага эга бўлди.

✧✧✧

Суратларда: *бинонинг олдинги(чапда) ва ҳозирги кўриниши*

НОМИ ЯНГИ, ИШЛАРИ ЭСКИ

ЁКИ КОММУНАЛ ХИЗМАТИ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР, СУИИСТЕЪМОЛЧИЛИКЛАР ҲАМДА КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ЯШОВЧИЛАР НЕГА КОММУНАЛ ХИЗМАТ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАМАЁТГАНИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таҳририятга тушган шикоятдан: **Дилором Ҳошимова — II-гуруҳ ногирони, нафақахўр:** «...1981 йилнинг февралида Шайхонтоҳур туманининг «Гулобод» мавзесидаги 79-уйнинг 24-хонадонига кўчиб келганман. Аниқ боқувчим йўқ. Неча йилдирки, ёғингарчилик уйимиз томига эмас, нақ менинг бошимга ёғади. ...Ширкат раҳбарини шундоққина уй олдида тўхтатиб, аҳволимни гапирдим, лоақал кириб кўрмади ҳам. Сув оқавериб пастки хонадонларга ҳам ўтди...»

Дилором Ҳошимованинг қўшнилари ҳатидан: «...ЖЭК» ширкатга айлантирилгач, буюртмачи ва ижрочи ўртасида тузиладиган шартномалар тарқатилди. «Биз нима учун ой сайин ширкатга пул тўлаймиз, маблағ қаерга кетяпти?» деган саволимизга туман ҳокимлигидан жавоб ололмадик. Уйимиз ертўласи санитария талабларига жавоб бермайди. Пашшачивинларга қарши дезинфекция ўтказилмайди. Ширкатга бир неча бор мурожаат ҳам қилдик. Унинг вакиллари «агар 45 минг сўм йиғиб берсангиз, ертўла тозаланади» — деб очиқ айтишди...».

Хатларни ўрганиш учун тумандаги «Сардоробод» уй-жой мулкдорлари ширкатида бўлдик. Унга қарашли «Гулобод» мавзесидаги кўп қаватли 79-уйнинг аҳволи чиндан ҳам аянчли. «Подъездлар»нинг эшиклари йўқ. Йўлаклар таъмирталаб. Ертўлада тез-тез сув тўпланиб турганидан, пашша-чивин кўп...

— Ширкатимиз тасарруфидаги уйлар 1975 йилда фойдаланишга топширилган, II-тоифали уй-жойлар сирасига киради, — дейди Ширкат раиси Раҳбар Усмонова. — Улар 12 та, 1347 нафар киши истиқомат қилади.

Уйларни 2000 йилнинг июль ойида таъмирсиз ҳолда, аҳолидан 2 миллион 497 минг 861 сўм йиғилмаган коммунал тўловлар билан қабул қилганмиз. Ҳозир аҳолининг бу тўлов қарзи (2002 йил 1 июнь ҳолатига кўра) 5 миллион 493 минг сўмга етди. Одамлар вақтида тўламаётир. Шу боис, жорий ва мукаммал таъмирлаш ишларини бажаролмаяпмиз...

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодексининг 138-моддасида уй-жой фондига қараш ва уни таъмирлаш хусусида сўз юритилиб, жумладан, бундай дейилади:

«...Уй-жой фондининг мулкдорлари, улар ваколат берган органлар (бошқарувчи ташкилотлар) уй-жой фондининг сақланишини, турар жойига ва яшаш учун мўлжалланган жойларга хизмат кўрсатиш, уларни жорий ва капитал таъмирлаш, квартиралар оралиғидаги зинапояларни, лифтларни, йўлкаларни, томларни, техник ертўлалар ва умумий фойдаланишдаги бошқа объектлар, муҳандислик қурилмалари ва уй ён-атрофини қараш ва таъмирлаш юзасидан амалга ошириладиган ишларни ўз ичига олган тадбирларни таъминлашлари шарт.,.»

Нафсиламбирини айтинг, Кодексдаги бу талаблар билан «Сардор-обод» уй-жой мулкдорлари ширкати раисининг «тўловларни ўз вақтида тўлашмаяпти» деган гапларини нима деб изоҳлаш мумкин?

Ҳолбуки, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида «Сардор-обод» уй-жой мулкдорлари ширкатида бир йилча олдин текшириш ўтказилганда ўтган давр давомида бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган. Чунончи, ширкатда бухгалтерия ҳисоботларини юритиш Давлат стандарти талабларига жавоб бермаган. Ширкат томонидан хўжаликмолиявий фаолиятни юритишнинг 2000-2001 йилларга белгиланган харажат сметалари тузилмаган. 2000 йил давомида бухгалтерия бош китоби ва ҳисоблар бўйича айланма китоблар юритилмаган. Ширкат маъмурияти томонидан ходимларга иш ҳақи ҳисоблашда жиддий хаталарга йўл қўйилган. 2001 йилга иш ҳақи тўлаш бўйича штатлар жадвали тузилмаган. Ишчи-хизматчиларга мукофот пуллари нотўғри тўланган. 2000-2001 йилларда ширкат турли ташкилотлар ва хусусий фирмалардан 902002 сўмлик моддий товар бойликлари олиб келиб, кирим қилган. Бироқ бу моддий товар бойликлардан ширкат ҳудудидаги уйларни жорий таъмири учун 543271 сўмгина сарфланиб, далолатномалар асосида чиқим қилинган. Текшириш кунига қадар 358731 сўмлик моддий товар бойликлари қолдиғи бўлиши керак эди. Аммо 2002 йил 1 февраль ҳолатига кўра, бу кўрсаткич миқдори 356925 сўм эканлиги аниқланди...

Бундан келиб чиқадики, ширкатда товар моддий бойликларнинг ҳаракати тўғрисида мунтазам ойлик ҳисоботлар тузилмаган. Уларни сақлаш, кирим-чиқими бўйича алоҳида моддий жавобгар шахслар бўлмаган ва улар билан маъмурият томонидан моддий жавобгарлик шартномалари тузилмаган.

— Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида прокуратура томонидан «Уй-жой мулкдорлари» ширкатлари раҳбарларига 8 та тақдимнома киритдик, — дейди **туман прокурори ўринбосари Комил Нуриллаев.** — Бугунги кунда туманимизда 34 та ана шундай ширкатлар мавжуд бўлиб, улар шу кеча-кундузда 716 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатаётир. Уларнинг кўпчилигида раҳбарлар қўнимсизлиги ҳукм сурмоқда. Ширкат раислари ўз соҳасининг мутахассислари эмаслиги ва улар қонунчиликни тўла англаб етмаётганлиги оқибатида қонун бузилиши ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Шайхонтоҳур туман коммунал таъмирлаш, Аварияни тиклаш хизмати давлат унитар корхонаси бошлиғи Сайрам Анорбоевнинг айтишича, 2002 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра аҳолининг коммунал тўловлардан қарз миқдори туман бўйича 361 миллион сўмни ташкил қилган.

— Бир пайтлар Коммунал фойдаланиш бошқармаси тизимида туманимиз бўйича 490 нафар ишчи-хизматчи 800 та кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатарди. Уларнинг умумий ойлик маошлари 12 миллион сўмдан ошмасди, — дейди С. Анорбоев сўзини давом эттириб. — Энди таққослаб кўринг, бугунги кунда мавжуд 34 та ширкатда 1100 нафар киши меҳнат қилиб, уларнинг фақат ойлик маошлари учунгина 26 миллион сўм сарфланади. Тафовутни қаранг. Лекин, аҳвол ўша-ўша, ижобий натижа йўқ...

Тумандаги «Минаввар коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 8 та кўп қаватли уйларнинг 6 таси ертўласида бутун ёз ойлари ўтиб ҳам, қиш ва баҳорда тўпланган ҳалқоб-ҳалқоб қўлмакларнинг қуриб улгурмаганлиги ёки тозалаб олинмаганига нима дейсиз?

Ширкатга 2002 йилнинг 1 сентябрига кўра, аҳолининг тўламаган коммунал тўловлари 6 миллион 161 минг сўмни ташкил этганлигини нима деб изоҳласа бўлади? Боз устига, бу қарзнинг асосий қисми — 5 миллион 58 минг сўми биргина «Ташкентлифт» корхонасига тегишли эканлигини-чи?

Тумандаги «Сархумдон коммуналчи», «Эҳтиёж коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатларида ҳам шу каби (ё ундоқ ё мундоқ?) аҳвол, шу каби манзара...

Собир Раҳимов туманидаги «Хумо коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатига боришимизга ҳам таҳририятга йўлланган яна бир шикоят хати сабаб бўлди.

Ширкатга қарашли Беруний массиви, 3-блок, «Ж» уйнинг 19-хонадонида яшовчи **Равшан Салоев** битган бу арзномада мазкур уйнинг таъмири мутлақо талабга жавоб бермаслиги баён қилинган. Дарвоқе, уйда бўлганимизда нохуш манзаранинг гувоҳи бўлдик. Томдан чакка ўтганлиги боис, сўнгги қаватда яшаётган хонадонларнинг соҳиблари қилган ремонт — таъмир ишлари «чипак»ка чиққан, деворлардаги буёқ, безак ва оҳорлар кўчиб тушган. Оқова сувлар учун томга ўрнатилган новлар, «стояклар» талабга жавоб бермайди. Уй йўлаклари таъмирталаб. Уй эгаларининг қўлида коммунал ҳамда эксплуатация хизматлари учун тўланган ҳақ патталари эса даста-даста...

Туман прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси Баҳриддин АҲмедов сўзига қулоқ тутинг: «Уй-жой мулкдорлари» ширкатлари раисларининг масъулиятини ошириш керак. Қолаверса, уларни сайлаш жараёнини такомиллаштириш зарур. Ҳозирча сайланаётган кишилар қандайдир йўллар билан 51 фоиз овозни олдими бас, у ширкат раиси бўлиб олаяпти. Ҳолбуки, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳолининг кўп ҳолларда ширкат раиси ким эканлигидан бехабарлигини қандай изоҳлаш мумкин? Сайланажак ширкат раиси биринчи галда соҳани тушунадиган мутахассис бўлиши керак эмасми?

Бугунги кунда туманимизда 37 та «Уй-жой мулкдорлари» ширкатлари мавжуд бўлиб, уларда қонун бузилиши сабаблари ва унга барҳам бериш тўғрисида туман ҳокими номига тақдимнома киритилган. Биргина мисол: туман прокуратурасининг 2001 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 5-бандига асосан тумандаги коммунал хизмат кўрсатиш идораларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18 апрель 2001 йилдаги «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 178-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ижроси юзасидан умумий назорат тартибида текширув ўтказилди. Унда тумандаги «Табассум коммуналчи» ширкати томонидан 2000 йил давомида Қорақамиш 2/4 даҳаси ҳамда Ўразбоев кўчаларидаги кўп қаватли бир неча уйларнинг томлари таъмирланишида 14250 квадрат метр рубероид 22934 килограмм битум ишлатилганлиги ҳақида далолатнома тузилганлиги ва улар қурилиш материаллари ҳисобидан чиқарилганлиги аниқланди.

Таъмирланган уйлар томларида назорат ўлчови ўтказилганда эса ширкат маъмурияти томонидан 1073107 сўмлик 7628 квадрат метр рубероид, 532980 сўмлик 11844 килограмм битум (ошиқча қўшиб ёзиш йўли билан) ҳисобдан чиқарилганлиги исбот топди. Бундан ташқари, ушбу ширкат томонидан Қорақамиш 2/4 даҳасидаги кўп қаватли 31,32,36-уйларнинг таъмирланишида 200 дона шифер, 7 куб ҳажмдаги ёғоч ишлатилганлиги ҳақида далолатнома тузилган ва улар қурилиш материаллари ҳисобидан чиқариб ташланган. Қайд этилган «уй»ларнинг томларида мутахассислар иштирокида назорат ўлчови ўтказилганида эса мазкур объектларга умуман шифер ва ёғоч ишлатилмаганлиги маълум бўлди. Қалбакилик йўли билан ҳисобдан чиқарилган ва далолатнома тузилган бу шиферлар 300000 сўмлик, ёғочлар эса 700000 сўмлик маблағ дегани эмасми?

Шунингдек, айни шу ширкат томонидан туман ҳудудидаги «Гулдаста» номли 146-сонли болалар боғчасини таъмирлаш учун аслида 100 дона рубероид ва 500 килограмм битум берилган бўлса-да, ширкат раҳбарлари 2000 йил 18 октябрь куни тузилган қалбаки далолатномаларига асосан 270 дона рубероид, 1000 килограмм битумни ортиқча (яъни, 170 дона рубероид ва 500 килограмм битум қўшиб ёзилган) ҳисобдан чиқарганлар.

Бугина эмас, тумандаги «Хислат коммуналчи», «Шуҳрат коммуналчи», «Умид коммуналчи», «Ғалаба коммуналчи», «Обод коммуналчи», «Хумо коммуналчи», «Парвоз коммуналчи», «Б.Нақшбанд коммуналчи», «О. Бобожонов», «А.Абдуқаюмов» номли уй-жой мулкдорлари ширкатларининг раҳбарлари ҳам ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари оқибатида каттагина миқдорда давлат мулкини талон-торож қилинишига йўл қўйганлар.

Халқда бир доно гап бор: «Мижоз — ҳамиша ҳақ». Тўғри-да, аҳоли коммунал ва фойдаланиш (эксплуатация) хизматлари учун вақтида ҳақ тўласа-ю, шартномада «ижрочи» деб ном олган иккинчи томон аҳолидан йиғилган маблағларни ўз билганича ҳавога совурса. Ким ҳақ? Аҳолининг: «Шунча маблағ қаёққа кетяпти?» деган эътирозига сабаб бўлаётган саволлари замирида ҳақиқат борлигини ким инкор этаолади?

Қисқаси, аҳолининг уй-жой коммунал тўловларини вақтида тўламаётганлигига асосий сабаб, айримлар айтганидек, иқтисодий ночорлик эмас, балки коммунал хизмат кўрсатиш маданиятининг пастлиги, аҳолидан турли «йўллар» билан йиғилган маблағларнинг баъзан шахсий манфаатлар йўлида сарфланаётганлигида эканлигини масъул раҳбарлар билишмайдими? Билишади. Лекин негадир кескин чора кўришмаётир. Шартнома шартларининг бажарилмаётганлиги эса тизимда ишларнинг орқага кетиши ва соҳа тармоқларининг «қулоғигача» қарзга ботишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жойларда ўтказилган текширувлар ҳам шуни яққол кўрсатдики, айрим туманларда Коммунал таъмирлаш — Аварияни тиклаш хизмати тартиблари давлат унитар корхонаси раҳбарлари ёки туманларнинг ҳудудларида жойлашган уй-жой мулкдорлари ширкатларининг масъул ходимлари томонидан қўпол равишда бузилмоқда. Уларнинг ишга масъулиятсизлик билан қараганликлари оқибатида зарур маблағлар белгиланган мақсадлар йўлида сарфланмай, талон-торож қилиш ҳолларига йўл қўйиляпти. Уй-жойларни қишки мавсумга тайёрлаш ишлари сифатсиз бажарилмоқда. Тўлов интизомига риоя этиш, истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш каби қонунчилик талаблари ўз ижросини топмаяпти.

Мирзо Улуғбек туманидаги «Tong nuri», «Boz-Ravon», «Halol servis», «Turon kommunalchi», «Oqqo'rg'on tezkor», «Tulpor kommunal», «Shohi-zamon», «Yangi asr kommunal», «Qamashi», «Vasiy», «Qorasuv kommunal», «Zesh Servis» сингари кўплаб уй-жой мулкдорлари ширкатларида ўтказилган текширувлар ҳам ана шундай кўплаб нохуш манзараларни очиб ташлади.

Туман прокурори ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Бахтиёр ПЎлатов сўзидан: «Назаримда, «Уй-жой мулкдорлари» ширкатларига сайланаётган айрим раисларнинг фикри-зикри баъзан фақат шахсий манфаат орттиришда бўлиб қолмоқда. Уларнинг деярли кўпчилиги ўз соҳасининг мутахассислари эмас. Шу боисдан ҳам улар кўпинча ишни нимадан бошлаш кераклигини билишмайди. Шундай экан, тўғри келган одамга ширкат раиси ваколатини ишониб топширишнинг ўзи номақбул тажриба эмасми?

Яна бир гап. Ҳозир «Уй-жой мулкдорлари» ширкатларига 20-30 тадан кўп қаватли уйлар бириктирилмоқда. Ўз-ўзидан аёнки, ширкат ходимлари мукаммал таъмирланмаган уйларга бирваракайига хизмат кўрсатолмайди. Бу борада тегишли идоралар аҳоли эҳтиёжига мақбул хизмат усули устида ўйлаб кўришлари жоиз.

Туманимизда 45 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари бўлиб, уларнинг кўпчилигида қариндош-уруғчилик авж олган десам, янглишмаган бўламан. Масалан, «Баҳор айёми» уй-жой мулкдорлари ширкатида текширув ўтказилганда, ширкат раҳбари (яқиндан бери у собиқ) Улуғбек Қурбонов мансаб ваколатидан фойдаланиб, ўз отасини ширкатнинг ижрочи директори вазифасига тайинлаган ва 3 ойлаб ишга келмаса-да, унга 100 минг сўмдан зиёдроқ миқдорда иш ҳақи тўлаган. Худди шундай ҳолат «Zesh servis» уй-жой мулкдорлари ширкатида ҳам учради. Ваҳоланки, Меҳнат Кодексининг 79-моддасида қариндош-уруғларнинг давлат корхонасида бирга хизмат қилиши ҳоллари чеклаб қўйилган. Бизнингча, бу модда жамоат ташкилотларида ҳам қўлланса нур устига аъло нур бўларди. Шунда ширкат мулки талон-торож қилинмасди...».

Адлия маслаҳатчисининг фикрига тўла қўшилган ҳолда мана бу фактларни ҳам келтириб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз. Тумандаги «Zesh servis» уй-жой мулкдорлари ширкатида туман прокуратураси томонидан меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган умумий назорат текширувида маълум бўлдики, ширкат ходимларига шу йилнинг 15 апрель ҳолатига кўра 3 миллион 696 минг сўм иш ҳақи берилмай келган.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ширкат раиси С. Магакян ўз лавозимини суиистеъмол қилиб, 76400 сўмлик товар моддий бойликларни талон-торож қилинишига ва бошқа қатор жиддий молиявий нуқсонларга йўл қўйган. Прокуратура, албатта, раиснинг бу хатти-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-модда 2-қисми «г» банди ва 207-модда 1-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари билан баҳолади. Бироқ, савол туғиладики, муқаддам судланиб чиққан бундай шахсларни моддий-маънавий жавобгарлиги бор масъулиятли лавозимларга кимлар тавсия қилган?

Худди шундай нохуш манзаралар Яккасарой туманидаги «Бобур аср» уй-жой мулкдорлари ширкатида ҳам кузатилди. Туман прокуратурасидан олинган маълумотларда айтилишича, ширкатнинг бош ҳисобчиси Мавлуда Акбарова ўзгалар мулкини талон-торож қилинишига йўл қўйиб, 92066 сўм миқдордаги маблағнинг ўзлаштирилишига бошқош бўлган... Ўзи йўғ-у рўйхатда бор — «ўлик жон»ларга иш ҳақи «тўланган»...

Тумандаги «Усто Зафар» уй-жой мулкдорлари ширкатига бириктирилган Юнус Ражабий кўчасидаги 70,72-уйларда истиқомат қилувчилардан ҳам коммунал хизмат маданияти бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги ҳақида таҳририятимизга бир неча бор қўнғироқлар бўлганлигини шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз. Жумладан, мазкур уйларда (улар ҳали янги бўлса-да!) қиш кезлари хонадонлар тўсатдан совиб кетиши, «батарея»лар яхши исимаётганлиги, электр «шит»ларининг баъзан куйиб (ёниб) кетиши, лифтлар ҳаракатида тез-тез узилишлар бўлиб туриши, оқова сувлар учун ўрнатилган новлар ва ертўладаги қувурлар вақт-бевақт тешилиб қолиши каби ҳолатларга бефарқ қаралаётганидан шикоятлар бўлмоқда...

Қисқаси, пойтахтимизда кўплаб янги замонавий уй-жойлар қурилаётгани баробарида кўп қаватли уйлардаги эски муаммолар ҳамон давом этмоқда. Назаримизда, ушбу соҳада изланиш, янгича ишлаш тизими яратилмаётир. Ваҳоланки, республикамизда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ишини ислоҳ қилишга доир бир қанча амалий чоралар кўрилди. «Уй-жой кодекси», «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида», «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида», «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Концепцияси ҳамда бозор механизмларини жорий этишга қаратилган тегишли минтақавий комплекс дастурлар ишлаб чиқилди.

Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тугатилиб, унинг негизида «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ташкил этилди. Ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига берилди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва ўзини-ўзи бошқариш жамоатчилик органлари — Уй-жой эгалари кенгашлари шакланмоқда. Сув, газ ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи асбобларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларни кўп хонали уй-жой биноларига ўрнатиш бўйича ҳам ҳозиргача талайгина ишлар бажарилди.

Аммо, шунча саъй-ҳаракатларга қарамай, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш жараёнлари ва кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамон пастлигича қолмоқда.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ушбу мақолада келтирган муаммолар кеча ё бугун пайдо бўлгани йўқ, албатта. Кўп қаватли уйларда иссиқ ёки совуқ сувнинг бўлмай қолиши, қувурларнинг ёрилиб кетиши, «дом»лар ертўлалари сувга тўлиб ётиши... бу каби кўпдан-кўп муаммолар илдизи 60-70 йилларга бориб тақалади. Шошма-шошарлик билан бўлган қурилишлар, талон-торожликлар, кўзбўямачиликлар, «мендан кетгунча, эгасига етгунча...» қабилида иш тутишлар оқибати бу.

Афсуски, ўша даврдаги иллатлардан ҳануз қутула олмаяпмиз, шекилли. Пала-партишликлар, суиистеъмолликлар ҳамон учраб турибди. Энди кўзбўямачилик қилсак, ўзимизни ўзимиз алдаган бўламиз ва жабрини ҳам ўзимиз тортамиз, ортиқча харажатлар ҳам ўз ҳисобимиздан кетади. Шунинг учун ҳам бу масалалар устида анча жиддийроқ ўйлаш керакка ўхшайди.

Эрта-индин ёғингарчилик бошланади, қиш келади, совуқ тушади. Шуларни ўйлаб юрагини ҳовучлаб ўтирганлар қанча. Яна муаммо, яна ёзаёз, текшир-текшир, қиш яна азоб ва ташвиш билан ўтади. Демак, яна одамлар қийналади. Улар орасида чақалоқдан тортиб қарияларгача бор. Табиий савол туғилади: улар нега қийналиши керак? Ахир бу муаммоларни ҳал этиши лозим бўлган идоралар бор-ку?! Ҳал этилмаётган бўлса, демак, ё бу идораларда ҳуқуқ, ваколат камлик қилаяпти ёки уларнинг раҳбарларида қобиллик, тадбиркорлик, ташкилотчилик етишмаяпти.

Биз пойтахтимиз уй-жойлари муаммоларидан айрим мисолларни келтирдик, холос. Хўш, вилоятларда аҳвол қандай? Аниқроғи, ҳурматли газетхон, сиз яшаётган уйда аҳвол қандай? Таъмирлаш ишлари амалга оширилганми? Қишда уйингиз иситилаяптими? Уйингиз ертўласини сув босгани йўқми?.. Мактубларингизни кутамиз.

Шошилинч хабарлар учун тел: 133-12-56, 133-20-36.

ТАКЛИФ

ТАШВИҚОТ ВАРАҚАСИ КЕРАК

Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган, 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган мажлисидаги маърузасида мамлакат умумиқтисодиёт комплекси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва барча манфаатдор тузилмалар олдига 2003 ва кейинги йиллар учун давлат бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқишда эски замондан қолган ёндашув ва қолиплардан воз кечиш, биринчи навбатда, фойдадан олинадиган солиқ ставкаларини пасайтириш, умуман, солиқ юкини камайтириш бўйича таклифлар киритиш хусусида фикрлар билдирганди.

Зеро, солиқ тўловчи юридик шахслар учун белгиланган солиқ юкини камайтириш — уларга мустақил фойдаланиш учун эркин пул маблағларини вужудга келтиради. Бу маблағларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва умумий айланмасини кенгайтириш, корхона ишчи ва хизматчилари манфаатларини барқарорлаштиришга ва окибатда, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадларини ўсишига ва солиқ базасини кенгайтиришга сабаб бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли қарорига кўра, 2002 йилга корхоналар учун даромад (фойда) солиғи ставкаси 24 фоиз қилиб белгиланган. Худди шунингдек, 2002 йилда ЯИМ (ялпи ички маҳсулот) миқдори 2001 йилга нисбатан 4,2 фоиз ўсиши режалаштирилиб, бюджетга ундирилиши лозим бўлган даромад (фойда) солиғи ЯИМга нисбатан 2,7 фоиз ёки 164,7 млрд. сўм қилиб белгиланган. Бу ўз навбатида корхоналар учун анча оғир юк ҳисобланади. Агар даромад (фойда) солиғи ставкаси 20 фоиз қилиб белгиланса, солиқ юкини 4 фоиз пасайиши эвазига солиқ тўловчилар ҳисобида эркин фойдаланиш учун тахминан 35 миллиард сўм, солиқ ставкаси 18 фоиз қилиб белгиланганда эса, 50 миллиард сўм маблағ пайдо бўлади. Бунинг натижасида корхоналар иқтисодий аҳволи яхшиланиб:

- **нисбатан кам ҳисобланган солиқ миқдорини тезроқ тўлаш;**
- **корхона (айланма) оборот маблағларини ошириш;**
- **маблағлар айланишини тезлаштириш;**
- **бўш қолган маблағни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб қилиш орқали солиқ базасини кенгайтириш имкониятлари туғилади.**

Бундан ташқари, кўпчилик ҳолларда корхона ва ташкилотлар белгиланган тартиб бўйича ҳар ойда икки маротаба олинадиган даромад ҳисобидан даромад (фойда) солиғининг аванс тўловларини амалга оширадилар. Ҳисобот даври якунида эса тўланган ва тўланиши керак бўлган солиқлар қайта ҳисоб-китоб қилиниб, кам тўланган солиқ қўшимча ўтказиб берилади. Агар солиқ кўп тўланган бўлса, ортиқча тўлов кейинги тўловлар ҳисобига қолдирилади. Аслида бу ҳолат ҳам кўп вақтлар корхона айланма маблағларини муомаладан четда қолиб кетишига сабаб бўлади. Шу боис, келгусида аванс тўловлари услуби бекор қилиниб, корхона, ҳақиқатда олган даромади юзасидан ҳар ойда бир марта солиқ тўласа, унинг айланма маблағлари кўпайиб, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва кенгайишига олиб келади.

Президентимиз жорий йилнинг 14 февралида Вазирлар Маҳкамасида ўтган **«2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифалар»**га бағишланган йиғилишдаги маърузасида мутасадди идоралар олдига солиқ сиёсатини кенг халқ оммасига соддароқ қилиб тушунтириш вазифасини қўйганди. Шунингдек, фуқаролар томонидан тўланаётган солиқларни қайси мақсадларга сарфланиши ва унинг аҳамиятини тарғиб қилиш ишларини янада жадаллаштириш ҳақида, эркин солиқ тўловчилар сонини ва солиқ тушумлари салмоғини янада ошириш имкониятлари тўғрисида фикрлар билдирганди. Лекин тан олиб айтиш керакки, республикамизда бу борада олиб борилаётган ишларимиз ҳали етарли эмас.

Шу ўринда, биз мазкур кичик мақоламизда солиқ қонунчилиги борасидаги ташвиқот ишларини яхшилаш мақсадида, ўз таклифимизни айтиб ўтишни жоиз кўрдик. Участка солиқ инспекторлари томонидан ҳар йили солиқ тўловчи жисмоний шахсларни ҳисобга олиш пайтидаги солиқ тўловлари, уларнинг аҳамияти, солиқ қонунчилигини бузиш учун белгиланган молиявий, маъмурий, шунингдек, жиноий жазолар тўғрисидаги ташвиқот варақасини аҳолига тарқатиш амалиётини ҳаётга тезроқ жорий этишлари керак. Ташвиқот варақасининг ҳар бир хонадонда бўлиши — уларга солиқ ва унинг аҳамияти ҳақидаги, солиқ қонунчилиги бузилган тақдирда жавобгарлик жазоси борлиги тўғрисидаги ахборотлар билан яқиндан танишиш имконини берган бўларди. Бу эса солиқ тўловлари, шубҳасиз, вақтида тўлаб борилишини таъминлашга хизмат қилади.

■ **Баҳодир ИСРОИЛОВ, Давлат солиқ қўмитаси, бошқарма бошлиғи, Содиқ БОЙМУРОДОВ, Солиқ ва божхона органлари Академиясининг катта ўқитувчиси.**

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

АЛОҚА ВОСИТАЛАРИ НАМОЙИШИ

— Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва қайта қуришнинг 2010 йилга мўлжалланган миллий дастурида амалдаги халқаро ва ҳудудлараро алоқа воситаларини халқаро андозаларга мослаштирилган рақамли ускуналар билан алмаштириш кўзда тутилган, — дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси маркетинг бўлими бошлиғи Асқар Азимов. — Пойтахтимизда ташкил этилган «Телекоммуникация ва компьютер технологияси» бўйича III халқаро кўргазманинг очилиши эса ўзига хос анъана бўлиб қолди, дейиш мумкин. Боиси, «ЎзТел» кўргазмаси қаторасида 3 йилдан бери уюштирилмоқда. Бу билан телефон алоқалари ва компьютер технологиялари ривожи ва хизмат кўрсатиш ҳамда тажриба алмашишларда кўл келмоқда. Ўйлайманки, III халқаро кўргазма ҳам ўзаро манфаатли ахборот алмашишлар ва алоқа боғлашларни яхшилашга хизмат қилади.

Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида очилган галдаги кўргазмада 12 мамлакатдан 50 дан зиёд компания иштирок этмоқда. 3 кун мобайнида қарийб 10 мингга яқин томошабиннинг кўргазмани келиб кўриши кўзда тутилган. Кўргазмада ўз маҳсулотларини намойиш этаётган компаниялар орасида «Андижонкабель» корхонасининг ҳам борлиги диққатга сазовор. Кўргазма нафақат томошабинларда балки алоқа соҳаси мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Боиси, замонавий телекоммуникация, офис жиҳозлари, ахборот технологияси ҳар бир корхонанинг фаолият соҳасини ижобий яхшиланишида омил бўлиб хизмат қилиши табиий. Кўргазмада «Радио алоқа ва радио жиҳозлари», «Мобиль телефонлари», «Ер йўлдоши алоқаси», «Глобал компьютер тармоқлари», «Интернет» каби бўлимлар бор. Кўргазма доирасида турли учрашувлар ва семинарлар уюштириш мўлжалланган. Хусусан, мутахассислар ва алоқа ходимлари ўртасида ўтказилган давра суҳбати мароқли бўлди.

■ **Роҳила ИСМАТУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ХОНБУГДА» МАКАРОНИ

Хонобод шаҳридаги «Хонбугда» Ўзбек — Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган макарон юқори сифатлилиги билан истеъмолчилар эътиборига сазовор бўляпти. Буни тошкентлик харидор Ирина Максимованинг дил сўзлари битилган мактуб ҳам тасдиқлайди.

«Очиғи, «Хонбугда» макаронини бозордаги дўкондан иккиланиб сотиб олгандим. Овқат тайёрлаганимда унинг хуштаъми менга жуда ёқди. Сифатли маҳсулот экан.

Маҳсулотингизнинг доимий харидори бўламан.»

Ҳақиқатан ҳам чиройли қадоқланган «Хонбугда» маҳсулотлари хорижникидан асло қолишмайди.

✧✧✧

Суратда: Хурматой Сафарова билан Дилбарой Расулова маҳсулот тайёрлашмоқда.

■ **Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат**

ЖАҲОН БАНКИ МАДАД ҚЎЛИНИ ЧЎЗДИ

«Тадбиркор аёл» вилоят уюшмасининг боқувчисини йўқотган оилаларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш масаласига бағишланган лойиҳаси Жаҳон банки томонидан қўллаб-қувватланди. Лойиҳага асосан Бухоро вилоятидаги 9 та туманда боқувчисини йўқотган аёллар учун махсус ўқувлар ташкил этилди. Бундай ўқувлар Ғиждувон, Пешку, Шофиркон туманлари ҳамда Бухоро шаҳрида бўлиб ўтди. 200 га яқин аёл бундай имкониятдан барҳаманд бўлишди. Улар кичик корхона, ҳунармандчиликни йўлга қўйиш пайида саъй-ҳаракатни бошлаб юборишди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ

ФАРЗАНД КАМОЛИНИ ЎЙЛАСАК...

Ёзги таътил тугаб, болажонларимиз жонажон мактаблари қучоғига қайтишди. Уларнинг яхши дам олиб, соғу саломат илм даргоҳига қайтишида ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бошқармаларининг ҳам алоҳида хизматлари бор. Жумладан, ёзги дам олиш вақтида «Таътил» деб номланган тадбир ўтказилди. Шунингдек, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни ҳамда Халқ таълими вазирлигининг жойлардаги идоралари томонидан республикамиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган 876 та болалар дам олиш масканларига олиб борувчи автомобиль йўллари, улардаги сунъий иншоотлар ҳамда темир йўл кесишмаларининг техник ҳолатлари текширилди.

Ҳамкорликда ўтказилган ушбу кўрик натижасида текширилган йўлларда 2548 дона йўл белгиси етишмаслиги, 1615 дона эскирган йўл белгиси алмаштирилмаганлиги аниқланди. 4880 та йўналтирувчи устунчалар ва 36 километр 1-тоифали муҳофазаловчи тўсиқлар ўрнатилмаган, 126 жойда сунъий иншоотлар ва 18 та темир йўл кесишмаси қониқарсиз аҳволда экан. 63710 квадрат метр қатнов қисми фойдалинишга яроқсиз. 463 километр йўл марзаси текисланиб мустаҳкамланмаган, 341 та қувурлар узайтирилмаган ва каллаклар билан жиҳозланмаганлиги бизда нохуш таассурот қолдирди. 133 километр масофада пиёдалар йўлакчалари қурилмаган бўлса, 98300 квадрат метр йўлнинг қатнов қисмидаги ўйдим-чуқурлар ва тўлқинсимон жойлар таъмирланмаган бўлиб чиқди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларга йўл қўйган йўлҳўжалик ҳамда корхона ва ташкилотларнинг мутасадди ходимларидан 19 тасига нисбатан қонун доирасида маъмурий чоралар кўрилиб, улардан жами 154 минг 300 сўм миқдорида жарима ундирилди. Бундан ташқари, кўрик давомида аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш мақсадида далолатномалар тузилиб, ташкилот ва жойлардаги ҳокимликларга 76 та тақдимнома киритилди ва камчиликларни бартараф этиш назоратга олинди.

Болаларнинг баҳорги ва ёзги таътиллари вақтида уюшган ҳолда дам олиш оромгоҳларига, саёҳатга бориб келишларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл-патруль хизматининг куч ва техник воситаларидан фойдаланиб жами 2248 та кузатувлар ташкил этилди. Бу ишга 512 та патруль автомашиналари ажратилди. Ёзги оромгоҳларга олиб борадиган йўлларда қўшимча равишда 182 та постлар ташкил этилди. Патруль автомашиналари ва ташкил этилган қўшимча постлар 1217 та алоқа воситалари билан таъминланди.

«Таътил» тадбирини ўтказиш бўйича тузилган режага асосан барча дам олиш масканларига ЙХХ ходимлари бириктирилди. 698 та дам олиш масканида ҳаракатланиш хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Янги ўқув йили бошланиши арафасида эса «Диққат, болалар!» деб номланган тадбир ўтказилди. Ушбу тадбир ҳам «Таътил» тадбирининг узвий давоми бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Албатта, олиб борилган бу ишлар ўзининг ижобий самарасини бериб, болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ёзги таътил даврида сезиларли даражада камайди. Жумладан, бундай ҳодисалар олти ойда ўтган йилнинг олти ойига нисбатан 10,8 фоиз, етти ойда 10,3 фоиз, саккиз ойда 9,8 фоиз камайди. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда фақат мана шундай тадбирларгагина таяниб қолиш керак эмас. Айниқса, бу ишга мактаб ва болалар боғчаларида эътиборни кучайтириш, болаларга «Йўл ҳаракати қоидалари»ни мукаммал ўргатиб бориш зарур. Бунинг учун ҳар бир мактаб ва боғчада ёш автоназоратчилар гуруҳларини ташкил этиш, улар ўртасида доимий равишда мусобақа ва викториналар ўтказиш, ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларини болаларга содда ва тушунарли қилиб етказиш керак. Бир сўз билан айтганда, бу барчамизнинг кундалик ишимизга айланмоғи зарур.

■ **Анвар СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ, ИИВ ЙҲХББ матбуот хизмати бошлиғи, милиция подполковниги**

КАШМИРДА ПАРЛАМЕНТГА САЙЛОВЛАР

Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штатида ҳафта бошида қонун чиқарувчи ассамблеяга сайловлар бошланди. Фавқулодда хавфсизлик чоралари кўрилган шароитларда сайлов участкалари очилди. 160 номзод парламентдаги 87 ўриннинг дастлабки 26 таси учун кураш олиб бормоқда. Улар асосий ҳукмрон партия — «Бҳаратия джаната парти» ва муҳолифатчи партия — «Ҳиндистон миллий конгресси», шунингдек, икки минтақавий партия вакилларидир. Сайлов натижалари 10 октябрь куни эълон қилиниши кутилмоқда. Ҳинд ҳарбийларининг маълум қилишларича, сайловлар арафасида Кашмир сепаратчилари икки сайлов участкасида овоз беришни барбод этишга уриниб кўришган. Хавфсизлик кучлари томонидан уларнинг ҳаракатларига чек қўйилган.

«ЛУКОЙЛ» ХАВФСИЗЛИКНИ КУЧАЙТИРДИ

«Лукойл» нефть компаниясининг хавфсизлик хизмати компания раҳбарлари ва етакчи ходимларининг хавфсизлигини кучайтириш бўйича қўшимча чоралар ишлаб чиқди. Матбуот хизматининг маълум қилишича, «Лукойл»нинг биринчи вице-президенти Сергей Какурани қидириш ишлари ҳозирча бирон-бир натижа берганича йўқ. Унинг қаердалиги тўғрисида ахборотга эга эмасмиз, деб таъкидлашди матбуот хизматида.

БЕШ ЎТ ЎЧИРУВЧИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Париж шимолидаги шаҳарчада рўй берган ёнғинда беш ўт ўчирувчи ҳалок бўлган. Ёнаётган бинодан одамлар олиб чиқиб кетилгач, ўт ўчирувчилар унга киришганида, портлаш рўй берган. Орадан бир неча сония ўтгач, иккинчи портлаш рўй берган. Ярадор бўлган беш ўт ўчирувчи шифохонага келтирилган. Лекин уларни асраб қолишнинг иложи бўлмаган. Франциянинг бутун тарихи давомида ўт ўчириш бошқармасида ҳали бундайин катта йўқотиш бўлмаган эди. Мамлакат президенти Жак Ширак ҳалок бўлганлар оилаларига чуқур таъзия билдирди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМЛАР, МАЖЛИСЛАР, ЙИҒИЛИШЛАР

ХДП Пахтакор туман кенгаши пленумида ташкилий масала кўриб чиқилди. Карим Тотлибоев туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли маърузасида баён этилган фикр ва хулосалар ҳамда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби М.Иномов нутқ сўзлади.

Йиғилишда Пахтакор тумани ҳокими Э.Солиев сўзга чиқди.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши, 2002 йил июль-август ойларида ХДП МК томонидан ўтказилган минтақавий семинарлар тавсиялари асосида, барча шаҳар ва туман кенгашларида, «Мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари» мавзуидаги, йиғилишларни ўтказди. Муҳокамаларда иштирок этган юздан ортиқ партия фаоллари, депутатлар, маҳаллий ҳокимлик идоралари вакиллари Олий Мажлиснинг IX сессияси якунлари, партия фаолиятини жонлаштириш, ташкилий ва мафкуравий ишларни такомиллаштириш юзасидан кўплаб таклифларни ўртага ташладилар. Масалан, «Хонқа-нон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси муовини, бошланғич партия ташкилоти котиби Қ.Собиров, Урганч шаҳар 8-сон маҳалла раиси М. Отажонов, партия фаоллари — Й.Раҳимов, Б.Салаев, Р.Олломов ва бошқалар ўз сўзларида партия ташкилотлари фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш масалалари юзасидан танқидий фикрлар билдирдилар ҳамда амалий таклифлар билан чиқдилар. Фикрларга бой, ишчан вазиятда ўтган семинар-кенгашларда ХДПдан сайланган депутатлар, шаҳар ва туман ҳокимларининг муовинлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

ХДП Амударё туман кенгаши ижроия бюросининг мажлисида, Президентимизнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасини меҳнат жамоалари, аҳоли истиқомат жойларида ўрганишни ташкил қилиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда партия ташкилотларининг вазифалари масалалари муҳокама этилди. Йиғилишда туман кенгашининг бу борадаги тадбирлар режаси тасдиқланиб, барча партия ташкилотларида очиқ партия йиғилишларни ўтказиш белгиланди. Шунингдек, йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати И.Юсуповнинг сайловолди дастурини бажариш ҳамда депутатлик ваколатини амалга ошириши бўйича олиб бораётган ишлари ҳақидаги ахбороти тингланди. Қабул қилинган қарорда депутат ўз фаолиятини талаблар даражасида олиб бораётганлиги, сайловчилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб, ХДПнинг дастурий ғояларини тарғиб этиш ва амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётганлиги таъкидланди.

ХДП Кўрғонтепа туман кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котиблари йиғилишини ўтказди. Унда ишлаб чиқилган тавсиялар асосида тумандаги барча партия тузилмаларида, юқори партия кенгашларида ўтказилган пленумлар ҳамда семинар-кенгашлар якунларига бағишланган очиқ партия йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.

ХДП Урганч, Амударё туман кенгашлари таркибидаги барча бошланғич партия ташкилотларида Олий Мажлис тўққизинчи сессияси ҳужжатларини ўрганиш, ташкилий, тарғибий-ташвиқий, маданий-маърифий ишларни такомиллаштириш, партия нашрларга обунани тубдан яхшилаш, ички партиявий интизомни мустаҳкамлаш каби масалаларга бағишланган очиқ партия йиғилишлари ўтказилмоқда. Мажлисларда истиқлол даврида амалга оширилган ислоҳотлар, уларда партия аъзоларининг иштироки хусусидаги масалаларнинг муҳокамаси кенг ўрин топган.

Ана шундай тадбирлар **ХДП Урганч туман кенгаши** томонидан Манғит деҳқон бозори очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, «Қоравул» ҳамда «Ғайбу» қишлоқ ҳудудий бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтди. Уларда партия ташкилотлари котиблари Ш.Йўлдошев, К.Рўзметов ва О.Қаландаровлар маъруза қилдилар. Йиғилишларда туман партия кенгашининг биринчи котиби Х.Ваисчанов демократик ислоҳотларнинг амалга оширилишида партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги маърузалар билан қатнашди.

ХДП Янгиер шаҳар кенгашида партия ривожланиши масалаларига бағишлаб ўтказилган семинар-кенгашда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, ХДПдан сайланган депутатлар иштирок этдилар. Мазкур йиғилишда ХДП Сирдарё вилоят кенгаши биринчи котиби Д.Кулматовнинг «Парламент ислоҳоти ва вилоят партия ташкилотларининг вазифалари» тўғрисидаги маърузаси тингланди. Шаҳардаги «Озодлик» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти котиби Р. Бахреддинов, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Б.Болтаев, «Оқ қуш» фирмаси раҳбари Т.Баратова, Шароф Рашидов номли маҳалла раиси Х.Худойназаров ва бошқалар сўзида партия ташкилотлари фаоллигини ошириш бўйича аниқ таклифлар берилди.

Бундай йиғилишлар **Бекобод шаҳар, Бекобод, Ўртачирчик, Пскент, Мирзачўл, Дўстлик, Хатирчи туман партия кенгашларида** ҳам бўлиб ўтди. Уларда, тегишлича, шаҳар ва туман партия кенгашларининг биринчи котиблари Б.Содиқов, З.Қодиров, Ф.Абдужабборов, Д.Комилова, А.Маҳмудхонов, М.Турдибоева, Т.Умаров, Х.Номозов, Х.Тўлаганов ва Р.Раббимовларнинг Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларини бажариш юзасидан ахборотлари тингланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигидаги бошланғич партия ташкилотида, «Мустақиллик ва демократия йўлидан» мавзуида, йиғилиш бўлиб ўтди. Бошланғич партия ташкилоти котиби Ш.Пахреддинованинг маърузасида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамиятни барпо этиш, парламент ислоҳоти, партиямиз амалий фаолиятига оид масалалар муҳим ўрин эгаллади.

Йиғилишда 8 нафар ёш мутахассислар партия сафига қабул қилиндилар.

Шу кунларда **ХДП Амударё туман кенгаши** томонидан бошланғич партия ташкилотларида ўтказилаётган барча йиғилиш, суҳбат ва учрашувларда, жамиятимиздаги сиёсий ўзгаришларга партиямиз фаоллари ҳамда хайрихоҳларнинг муносабатларини аниқлаш мақсадида, икки палатали парламентни шакллантириш масалаларига оид саволномалар тарқатилди. Унда парламент ислоҳоти, мамлакатимизда демократиянинг ривожланиши, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, ХДПнинг мавқеини ошириш йўллари каби 10 та савол киритилган. Анкета жавоблари умумлаштириб, кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

Шунингдек, мазкур туман партия кенгаши ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларидан иборат тарғибот гуруҳининг туман аҳолиси ўртасида ўтказаётган, «Давлат, ҳуқуқ ва фуқаро» мавзуидаги, учрашувларини уюштиришда ташкилотчилик қилмоқда. Ушбу йиғилишларда бошланғич партия ташкилотлари котиблари, туман партия кенгаши масъул ходимлари, партия аъзолари фаол иштирок этмоқдалар.

ЯНГИ КИТОБЛАР

ТАФАККУР ВА ҲАЁТ ҮЙҒУНЛИГИ

Мустақиллик йилларида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда рўй берган жараёнларни, миллий тикланиш жараёнларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-мафкуравий моҳиятлари таҳлилий чуқур умумлаштирилган.

Муаллиф ўзининг бу мақсадини амалга ошириш учун жуда кўп тарихий манбаларга мурожаат этади. Гувоҳ бўлган кўплаб воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Хусусан, ёзувчи Одил Ёқубовнинг собиқ СССР халқ депутатларининг 1989 йил июнда бўлиб ўтган съездида сўзлаган нутқи ва бунга эришиш машаққатларида Ислом Каримовнинг хизматлари ҳақидаги саҳифаларни ҳар бир киши ўқиганида беихтиёр кўзидан ёш чиқиб кетиши табиий. Мазкур асарда мисол тариқасида келтирилган 1947 йилнинг июнь ойидаги махсус, ўта махфий тайёрланган 47-буйруқнинг 45 бобдан иборат йўриқнома ўқилганида ғазабингнинг чеки бўлмай қолади.

Шу сабабдан Мурод Шарифхўжаев эркинлик, озодлик ғоясини қалбига жо қилган бир инсон сифатида ўзи гувоҳ бўлган, ўз бошидан кечирган воқеаларни таҳлилий умумлаштиради. Чунки 80-йилларда ўзбек халқи бошига ёғилган чексиз азоб-уқубатларни, қулфатларни далиллар асосида кўрсатиб ўтади. «Қийинчилик кўп, даромад кам» деб ҳозирги ҳаётдан нолиб юрувчи айрим кимсалар бу ноёб тадқиқот-асарни синчиклаб ўқишса, Ўзбекистон халқи мустақиллик ва ундан олдин қанчалик оғир аҳволда эканини, бу оғир аҳволни бартараф этиш учун Президент ва у бошчилигидаги оташқалб ватанпарварлар не-не машаққатларни бошдан кечиришганига амин бўламиз.

Асарнинг яна бир ўзига хос томони Президентимиз Ислом Каримов фаолиятига бағишланган саҳифаларида кўзга ташланади. Муаллиф юртбошимизнинг 1989 йилдан то ҳозиргача ўтган ҳаётини, жўшқин фаолиятини, унинг ўзига хос ноёб фазилатлари, истеъдод ва маҳорати ҳақида батафсил ва тўлқинланиб ёзади. Муаллифнинг самимияти, ҳолисона фикр юритиши натижасида ҳар бир фикр аниқ далиллар асосида, яъни, Ислом Каримовнинг, умуман, инсоният тарихида, жумладан, Ўзбекистон тарихида, ўзбек халқи қисматида тутган юксак ўрни, унинг даҳолик ҳислатлари исботлаб берилади.

Китобнинг «Ҳаракат ва фикр уйғунлиги», «Ишонч институти», «Инсоний статус», «Фаолият образи», «Каримов радикализми», «Феномен» каби бобларида муаллиф Президентимизнинг ҳаёт йўлини, унинг бениҳоя катта кўламли ташкилотчилик қобилиятини, воқеаларни олдиндан кўра биладиган доно сиёсатчилик маҳоратини, ўз халқи тақдири, келажаги учун жонини ҳам аямайдиган халқпарвар инсоний тафаккурини шунчалик ишонарли, шунчалик таъсирли, айни пайтда шунчалик асосли характерлаб берадики, биз Мурод Шарифхўжаевнинг Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятини бунчалик тўлиқ ва аниқ билишига қойил қоламиз.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, муаллиф жуда кўп ўринларда Ислом Каримовни Амир Темурга қиёс этади. «Якка бир Шахснинг халқ тафаккури ва мафкурасига таъсири қай даражада бўлишини айтиш душвор, — деб ёзади муаллиф, — Амир Темурга ўхшаш йирик тарихий Шахсларнинг таъсири беқиёс ва беназир бўлгани аниқ... XX аср сўнггида ўзбек халқи онгида Каримовнинг таъсири кучлилиги аксиома. Бу таъсирни ҳамма, катта-кичик барча Ўзбекистон фуқароси тан олиб турибди».

Таҳлил қилаётган мазкур китобнинг яна бир ўзига хос томони бор. Муаллиф ҳар бир воқеанинг ички моҳиятини очар экан, борни бор, йўқни йўқ дейишга ҳаракат қилади. Натижада китобда танқидий руҳ анча юқори. «Рост гапимизни ҳам, қанчалик у аччиқ бўлмасин, айтишимиз шартку, — дейди муаллиф, — уларни ўзимиз билиб, ўзимиз тузатмасак, тарихий ва инсоний хатоларимиздан, миллий ибрату сабоқ учун тўғри хулосалар чиқармасак, яъни, ўзимизни ўзимиз тафтиш этиб, соғлом ростликка эришмасак буюк мақсадларимизга етиш душвор бўлади».

Ҳақиқатан, муаллифнинг мана шу нуқтаи назардан халқимиз менталитетидаги айрим қусурлари ҳақида куйиниб ёзиши диққатга сазовор. Бу ҳаққоний ва адолатли танқидий мулоҳазаларни айтиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Бундай танқидий мулоҳазаларни айтиш учун катта билим, катта тажриба, катта ақл идрок ва албатта, катта жасорат керак!

Академик Мурод Шарифхўжаевнинг «Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар» номли монографияси шу жиҳатлари билан ҳам катта аҳамиятга молик асардир.

■ **Фахри РАҲИМОВ, юридик фанлари доктори**

СПОРТ

Дзюдо

САНЖАР ЗОКИРОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Жанубий Кореянинг Чжу шаҳрида ёшлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Санжар Зокиров (66 кг.) барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди.

Яна бир вакилимиз Наврўз Жўрақулов (66 кг.) эса учинчи ўринни эгаллади.

Теннис

ИРОДАНИНГ ОМАДИ ЧОПМАДИ

Сан-Сальвадор(Бразилия)да теннис бўйича мукофот жамғармаси 650.000 АҚШ долларини ташкил этувчи «Brasil open» аёллар турнири ниҳоясига етди.

Унда ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ҳам иштирок этди. Вакилимиз яккалик учрашувларининг иккинчи даврасида ютқазиб қўйди. Аммо, Ирода жуфтлик баҳсларининг ярим финал учрашувигача муваффақиятли қатнашди. У Шогнесси (АҚШ) билан бирга кортга чиқиб, сўнгги ўйинда Луа/Неффа Де Лос Риос(Франция-Парагвай) жуфтлигига имкониятни бой берди — 5/7, 6/2, 5/7.

Футбол

ЎСМИРЛАРИМИЗ ХЕЛЬСИНКИГА БОРИШАДИМИ?

БААда ўсмирлар ўртасида ўтаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Мусобақанинг чорак финалида мезбонлар терма жамоасига қарши майдонга чиққан вакилларимиз рақиблари дарвозасига жавобсиз уч тўп йўллашди. Тўпларни Марат Бикмаев (2 та) ҳамда Собир Усмонхўжаевлар киритишди.

Эртага вакилларимиз ярим финалда Жанубий Корея терма жамоаси билан учрашади. Агар мураббий Рауф Инилеев шогирдлари мазкур ўйинда ҳам зафар қучишса, финалда Хитой — Яман ўсмирлар терма жамоалари учрашуви ғолиби билан куч синашади. Ғолиблар эса 22 сентябрда аниқланади.

Эслатиб ўтамиз, қитъа биринчилигининг кучли уч жамоаси келгуси йили Хельсинки(Финляндия)да ўсмирлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

БУЮК ОЛИМ, БАҒРИ КЕНГ ИНСОН ЭДИ

Халқимизнинг устоз отадек улуғ, деган ҳикмати бор. Бу ҳикматнинг мағзини чақиб устозларим ғамхўрлигини ўйлайман. Уларнинг бағрикенглиги, сабр-тоқат билан бизларни илм оламига олиб кирганидан хурсанд бўламан.

Устозларим кўп. Бундан фахрланаман. Бугун эса устозларимнинг сардори Содиқ Азимов ҳақида баҳоли қудрат сўз айтмоқчиман.

Содиқ Азимов ўзбек фанининг алломаларидан бири. Физика-математика фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати бўлган бу инсоннинг ҳаёт йўли, илмий салоҳияти кўплар учун ибратдир. У дунёга танилган олимларнинг эътиборига тушган, И.В. Курчатовдек академиклар билан суҳбатлашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини дадил айтган ҳақгўй академик эди. Ўзбекистонда ядро физикаси ривожига катта ҳисса қўшган, бу инсон ядро маркази ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Машҳур олим С.И. Вавилов у ҳақда бундай деган эди: «Менга С.А.Азимовнинг илмий ишини муваффақиятли ҳимоя қилгани билан табриклаш мароқли. Агар Азимовдек яхши мутахассислар ўсиб-улғайса, Ўзбекистон гуллаб-яшнайди, илм-фан ривожланади». Улуғ олимнинг айтганлари вожиб бўлди. Содиқ Азимов илм-фан соҳасида забардаст салоҳиятга эришди. Олимнинг заковати билан яратилган юзлаб илмий асарлар, мақолалар оммабоплиги билан юқори малакали мутахассис кадрларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Устозимиз яратувчилик жонкуяри эди. Юртимизда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот маркази қурилишига бошчилик қилгани ҳам шундан.

Содиқ Азимович шогирдларга меҳрибонлиги-ю камтар инсонлиги билан ўзига хос мактаб яратди.

1977 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика-техника институти мажлислар залида, таниқли олимлар иштирокида номзодлик даражасини ҳимоя қилишимга тўғри келди. Мажлисга Содиқ Азимов раислик қилганлар, ўшанда. Илмий ишимни ҳимоя қилганим билан биринчи бўлиб қутлаганлар. Кейин, йиғин тугагач фурсат топиб ёнимга келдилар-да:

— Меҳмонларингни бизникига олиб боравер. Уйдагилар ҳозирлик кўришяпти, — деди.

Устознинг бундай хатти-ҳаракатидан нима қилишимни билмай, туриб қолдим. Бироздан сўнг, «Сизларни овора қиламизми?», дея олдим.

— Буёғини бизга қўйиб бер, — дедилар лўнда қилиб. Қадрдонларинг билан хонадонимизда кўришамиз.

У кишининг оила аъзолари барчамизни хушнудлик билан кутиб олишди. Айниқса, Содиқ Азимовнинг умр йўлдоши Раҳима Аминованинг кўнгли очиқлиги, инсонгарчилигини айтмайсизми?

— Докторлик ҳимоянгдан кейин ҳам шу жойда ўтирамиз, — деб устоз тилак билдирдилар.

Тошкентдаги Миллий университетнинг физика факультети ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика қўёш ишлаб чиқариш бирлашмасига кираверишдаги Содиқ Азимович хотираси ёдгорлик лавҳаларини кўрганимда, унинг номи билан аталувчи кўчадан ўтганимда юрагим алланечук бўлади. Устоз умрининг боқийлигига имон келтираман.

Президентимиз фармони билан Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва санъат арбоблари тақдирландилар. Улар қаторида устозимизнинг борлиги, «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланиши эса эзгуликка эҳтиромдир.

Йиллар ўтган сайин устозларимиз берган сабоқлар янада ҳикмат сирларини очаётгандек бўлаверади. Энди билсам, устозимиз бизларга олимликдангина эмас, балки одамийликдан ҳам сабоқ берган эканлар. Инсон-инсонга доимо ёрдам бериши, ҳамнафас бўлишини уқтирибдилар. Инсоний фазилатлар ҳар бир кишининг улуғлигини кўрсатиши ҳақида ҳаётий дарс ўтибдилар. Устозимизни эслаб, кўнглимда шундай инсон меҳри тафтидан баҳраманд бўлганимдан фахрланаман. Устозим Содиқ Азимовнинг нафақат фандаги буюк хизматлари, инсоний фазилатлари олдида ҳамиша таъзим қиламан.

■ **Сирожиддин ЗАЙНОБИДДИНОВ, физика-математика фанлари доктори, профессор.**



Ўзбекистонда бугун бир ярим миллионга яқин қозоқ қардошларимиз истиқомат қилади. Кўпмиллатли юртимизда дўстлик, биродарлик туйғулари билан боғланган халқлар орасида тотувлик, меҳр-муҳаббат тушунчаларининг илдиз отишида эса санъатнинг аҳамияти катта. Ўртачирчиқ туманида бўлиб ўтган қозоқ оқинларининг айтишуви, туман байналмилал марказига қарашли «Дўстлик» ва «Дўмбирачи қизлар» ансамблининг чиқишлари санъат ихлосмандлари кўнглига завқ улашди. Туман меҳнаткашларининг маданий ҳордиқ олишлари учун уюштирилган ушбу учрашув, чин маънода санъат байрамига айланди.

✧✧✧

Суратларда: қозоқ оқинларининг айтишувидан лавҳалар

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

ДЕМОГРАФИК ПОРТЛАШЛАР

Олимларнинг аниқлашишича, инсоният тарихида уч маротаба демографик портлаш юз берган экан. Биринчи демографик портлаш неолит даврига тўғри келиб, ер юзида одамзот 5-10 баробар кўпайган. Тахминан уларнинг сони 50 милионга етган. Ибтидоий одамлар ов куролларидан самарали фойдалана бошлаганлар. Яшаш даражаси олдингидан бироз енгиллашган. Ҳатто, бу даврни тарихчилар «олтин давр», деб ҳам аташадилар. Сабаби — ҳамма тенг яшаган.

XVIII-XIX асрларда иккинчи демографик портлаш кузатилган. Бу даврда одамлар деҳқончиликдан саноатлашган иқтисодий тузилмани афзал кўра бошлашган. Соғлиқни сақлаш тизимида аста-секин ижобий ўзгаришлар юз бера бошлаган. Ижтимоийлик касб этган жамият сари қадам ташланган.

Гарчи инсоният иккинчи жаҳон урушини бошдан кечирган бўлса-да, 1950 йилларда инсон ақл-тафаккури эришган ютуқлар туфайли фан-техника инқилоби юз берди. Қўл меҳнати қисқарди. Тиббиёт илми ривожланиб, туғилиш 3 баробар кўпайди. Айнан мана шу даврда учинчи демографик портлаш юз берди.

XVIII аср охири ва XIX аср бошида ер юзи аҳолиси бир миллиард бўлса, 1920 йиллар охирида уларнинг сони икки миллиардга етди. 1950 йиллар охирида 3 миллиард, 1970 йил 4 миллиард, 1987 йил 5 миллиард аҳоли яшаётганлиги қайд этилди. Ва ниҳоят, бугунги кунда ер юзида 6 миллиарддан кўпроқ аҳоли расмий рўйхатдан ўтган. Аҳолининг ўсиш суръати келгуси 10 йилликда бундан ҳам шиддатли кечиши кутилмоқда.

■ **Юнус БЎРОНОВ тайёрлади.**

ВЕЛОСИПЕДЛИ КЕЛИНЛАР

Урганчи Беруний тумани билан боғловчи кўприкка яқин йўл ёқасида Чолиш қўрғони жойлашган. Чолиш йўли анча серқатнов бўлиб, кўприк икки ҳудудни боғлаб туради. Эрта тонгда бу ердан ўтсангиз, кўзингиз ўрганмаган манзарани кўрасиз: қизлар ва аёллар катта йўл бўйлаб велосипед миниб кетаётган бўлади. «Иби, бу ернинг аёллари велосипедда сайрга чиқишганми», деб ўйлайсиз.

Қўрғон атрофидаги «Гулистон», «Оқ олтин» ширкат хўжаликлари ва Дўрмон қишлоғи аҳли учун велосипедли аёлларни кўриш оддий ҳол бўлиб қолган. Бу қишлоқларнинг қарийб 70 фоиз аёллари ёнилғи талаб қилмас транспорт воситасидан фойдаланишмоқда.

— Бегона одамлар бизга ҳайрон бўлиб тикилишини ўзимиз ҳам сезиб турамиз, — дейди 45 ёшли Ободон Маткаримова. — Қишлоғимизда велосипед ҳайдашни билмайдиган келин йўқ ҳисоби. Чунки велосипед аёлларимизнинг рўзғор ташвишларини ҳам енгиллаштираяпти... Соғлиққа ҳам фойдали...

Опанинг бу сўзлари исботини унинг ўз оиласи мисолида ҳам кўриш мумкин. У хонадонидаги уч сигирни тонг қоронғусида соғиб, бидонларга қуйиб, велосипеднинг юкдони — орқа ўриндиғига ўрнатилган махсус қутига жойлаб, туман марказидаги доимий мижозларига сотиб келади. Соат саккизларда нонушта қилиб, уйидан икки чақиримча узоқликдаги, бир ёни тўқайзорга туташиб кетган далаларга — пудрат ерига йўл олади. Тушликка яна велосипедда уйига қайтади...

Опанинг келини қўшни тумандан. Келинига велосипед ҳайдашни ўргатаман деб, ҳарчанд уринди, бўлмади. Икки қадам ҳайдаб рули қийшайиб, ағанаб тушаверди. Ёшликдан кўникма бўлиши керак экан-да...

— Овсиним Муқаддас билан велосипедларимизни секин ҳайдаб, гурунг қилиб, бир зумда пудрат еримизга етганимизни ҳам билмай қоламиз, — дейди Назира исмли келинчак.

Бу ердаги қишлоқларда тўй бўлса, аёллар дастурхонни бошига ёки қўлтиғига эмас, велосипеднинг юкдонига жойлаб келишади.

Аёлларнинг велосипед ҳайдашига эркаклар қандай қарашмоқда?

«Нима қиламиз, машина олгунча велосипед ҳайдаб турaверишсин», — деди кулиб оқолтинлик Айтбой Эрназаров.

Менимча, машиналик бўлишгандан кейин ҳам бу уч қишлоқнинг аёллари қадрдон велосипедлари билан хайрлашмасалар керак — буни уларнинг гап-сўзидан билдим. «Кайфиятимиз доим баланд, дўхтирга ишимиз кам тушади, рўзғор ва дала ишларимиз доим саранжом», — дейишади улар.

■ **Шарофат ЙЎЛДОШЕВА**

«ПАРКЕНТ БОЗОРИ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ҲУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН
КОНТЕЙНЕРЛАР
ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
2002 йил 30 сентябрь кунигача бозор ҳудудида жойлашган шартнома тузилмаган контейнерлар жарима майдончасига ўтказилиб, ҳисоботи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга топширилиши ҳақида маълум қиламиз.
«Паркент бозори» ОАЖ бошқаруви

«Гулистон» журнали таҳририяти Бош муҳаррир ўринбосари Комил Жонтоевга онаси

Шафоатхон аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 871

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 20.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA